ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ 2 - бет

ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ БУГУНГИ КУНИ 3 - бет

ХАСТА ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ 6 - бет

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ 8 - бет

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 246 (10.299) / 2004 ЙИЛ 20 ДЕКАБРЬ

**26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**



Айни кунларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Жойлардаги сайлов участкаларида депутатликка номзодларнинг сайловолди учрашувлари эркин ва самимий руҳда бўлиб ўтмоқда. Сайловчилар ҳар бир номзоднинг сайловолди дастури билан танишиб ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олмоқдалар.

**СУРАТДА: Шайхонтоҳур туманидаги 23-мусиқа мактабида жойлашган 492- сайлов участкаси комиссияси котиби Гулчеҳра Ҳамдамова комиссия аъзоси Олим Муҳиддинов билан навбатдаги иш режаси юзасидан маслаҳатлашмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*Кузатувчи нигоҳи*

## Евгений СЛОБОДА: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЗАЛВОРЛИ ЎЗГАРИШЛАРДАН ХУРСАНДМИЗ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасига шу йил 26 декабрда ўтадиган сайлов жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бу тадбир мамлакатимиз ҳаётида улкан воқеадир.**

Сайловнинг қонунчилик доирасида, ошкора ва демократик руҳда ўтишини кузатиб бориш учун 200 га яқин халқаро кузатувчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг айримлари юртимизда бу муҳим йўналишда иш бошлади. Булар МДҲ ва ЕХҲТ кузатувчиларидир.

— Бизнинг Ўзбекистондаги миссиямиз 30 ноябрда очилди,— деди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси штаби раҳбари ўринбосари Евгений Слобода ЎзА мухбири билан суҳбатда.

— Ўша кундан бошлаб миссия штаби иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти билан учрашиб, сайловга тайёргарлик жараёнининг бориши тўғрисида фикр алмашилди.

Штаб иш бошлаганидан буён биз Тошкент вилоятида, жумладан, Қибрай ва Чирчиқда ҳамда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб, сайлов округлари ва участкалари ишини ўргандик. Сайлов комиссиялари раҳбарлари билан учрашиб, сайлов участкаларини кўздан кечирдик. Таъкидлашни истардимки, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари бу муҳим сиёсий тадбирга катта масъулият билан ёндашмоқда. Улар ўз зиммаларига юклатилган вазифани яхши англаган ҳолда пухта иш юритмоқда.

Умуман айтганда, сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақида таассуротларимиз яхши. Биз кузатувчи сифатида борган жойларда баъзи техник камчиликлар учради, албатта. Айни чоғда МДҲ кузатувчилар штаби томонидан сайловга тайёргарлик борасида бирор жиддий эътироз билдирилгани йўқ.

Биз сайловгача Фарғона водийсида ва қатор бошқа вилоятларда ҳам бўлишни режалаштиряпмиз.

Кузатувчиларимизнинг асосий қисми Ўзбекистонга 23-24 декабрь кунлари келади. Шу муносабат билан биз юртингизнинг барча ҳудудларига бориш, имкон қадар кўпроқ сайлов округларини қамраб олишни мўлжаллаяпмиз. Биз бундай усулни анчадан бери қўллаб келамиз.

Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларим тўғрисида гапирадиган бўлсам, серқуёш ўлкангиз менга жуда ёқди. Бу ерда ишлаб чиқариш жабҳасидаги ишлар нечоғли изчил йўлга қўйилганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Кўп соҳаларда, жумладан иқтисодиётда катта ўзгаришлар рўй бермоқда ва бу бизни ҳам қувонтиради.

Яна бир муҳим жиҳат. Мени кўчаларнинг тоза-озодалиги, шаҳар ва қишлоқлардаги орасталик, йўлларнинг кенглиги ва равонлиги лол қолдирди.

Ўзбекистонда ўзимизни уйимиздагидек ҳис қилаяпмиз. Мамлакатингиздаги залворли ўзгаришлардан жуда хурсандмиз.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Олий бизнес мактабида фаолият кўрсатаётган Корпоратив бошқарув маркази томонидан Жиззахда хўжалик жамиятлари раҳбар бўғинларини қайта тайёрлаш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

**• Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Наманган вилоятида иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш ҳамда қўмита ҳудудий бошқармалари фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.**

**• Гулистон туманидаги Деҳқонобод шаҳарчасида 90 иш ўрнига эга «Зухра тўқимачи» янги хусусий корхонаси ўз фаолиятини бошлади.**

**• Сурхондарё вилоятининг Узун туманида 750 ўқувчи ўрнига эга маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи қуриб битказилди. Янги ўқув муассасасида 8 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.**

**• Маҳаллий мактабларда ўқиётган 34 нафар аълочи ўқувчилар Қумқўрғон туманидаги «Бешқаҳрамон» ширкат хўжалигининг стипендиатлари бўлишди.**

### Жаҳонда

**• Бельгия пойтахти Брюсселда Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар етакчиларининг саммити бўлиб ўтди. Унда Туркиянинг ЕИга аъзо бўлиши билан боғлиқ ҳамда Кипрга оид масалалар муҳокама қилинди.**

**• Франциянинг шимолий қисмида рўй берган кучли тўфон оқибатида 6 киши ҳаётдан кўз юмди, 250 мингга яқин хонадон электр қувватисиз қолди. Бу Францияда 1999 йилдан кейин рўй берган иккинчи улкан тўфондир.**

**• Карелиядаги металл маҳсулотлари заводида минг квадрат метр ерда ёнғин содир бўлди.**

**• Хитойда пластик жарроҳликдан ўтган аёллар ўртасида «Сунъий соҳибжамол» миллий кўрик- танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.**

**• Британия полицияси томонидан Манчестер шаҳрида ўтказилган кенг кўламдаги террорчиликка қарши рейдларда кўпчилик гумондорлар ҳибсга олинди.**

## *САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ*

### БУГУН

### ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.**

### ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир мазкур университетнинг ҳуқуқшунослик ҳамда хорижий филология факультетлари янги бинода фаолият бошлаганлигига бағишланди.

• **ХАЛҚАРО** бизнес марказида «Инсон ресурсларини ривожлантириш» ўзбек-япон маркази ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари томонидан яратилган расмлар кўргазмаси намойиш этилди. Унда Миробод туман мактабларининг иқтидорли ўқувчилари иштирок этишди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан шифокорлар иштирокида уюштирилган йиғилиш болалар ўртасида ўткир юқумли касалликлар, хусусан, вирусли гепатит кўпайишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

• **СЕРГЕЛИ** туманида кам таъминланган оилалар аъзолари, фахрийлар, ногиронлар иштирокида Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган хайрия тадбири туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида уюштирилди.

• **ОЛИЙ** ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган «Мен сайловга тайёрман» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

• **МАДАНИЯТ** ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўқувчилар ўртасида уюштирилган «Президент асарлари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

• **АКМАЛ** Икромов туманидаги 238-мактабда туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ҳамкорликларида 5-11- синф ўқувчилари ўртасида баскетбол мусобақаси уюштирилди.

• **СОБИР** Раҳимов туманидаги 191-мактабда туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида туман мактаблари ўсмирлари ўртасида 15 декабрдан ўтказилаётган кураш турнири **БУГУН** якунланади.

• **МИРОБОД** туманидаги 125-мактабда туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар ўртасида баскетбол ва мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов бошқарди.**

Комиссия аъзолари телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторинги натижалари тўғрисидаги ахборотни тинглади. Йиғилишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторингини давом эттириш ва такомиллаштириш, унинг натижаларини комиссиянинг ҳар бир йиғилишида тақдим этиш зарурлиги таъкидланди.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи аввал қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисида маълумот берди. Теледастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча каналлар очиш ва қамров ҳудудини кенгайтириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайлов кампанияси давомида теледастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар студияларининг хавфсизлигини таъминлашга оид масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.**

Марказий кенгаш раиси А.Абдуқаҳҳоров бошқарган ушбу тадбирда ташкилот фаолиятини амалдаги қонунчилик ва ислоҳотлар талаблари асосида янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Пленумда жорий йилда ташкилот томонидан Қуролли Кучларимиз учун ҳарбий-техник ва халқ хўжалигига оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш, спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Ўқув жараёнида асосий эътибор чақирилувчи ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш сифатини ошириш, уларни профессионал армия аскари даражасида етиштириш, ҳарбий-ватанпарварлик ишларини юксалтириш, ёшларда Ватанига ва халқига, Қуролли Кучлар ва ҳарбий касбига муҳаббат ҳиссини уйғотишга қаратилди.

Шу билан бирга йўл қўйилаётган нуқсонларга тезда барҳам бериш оид вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА**

---

**26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

# ХАЛҚ ХОҲИШ— ИРОДАСИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Тошкентда шу йил октябрь ойида бўлиб ўтган «Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатлар» мавзуидаги халқаро анжуманда Ҳиндистонда чоп этиладиган «Sapra India Bulletin» ахборот нашри ижроия директори И. Банержи ҳам иштирок этган эди. У ўз ватанига қайтгач, анжуман якунларига бағишлаб «Тошкентда халқаро конференция» сарлавҳали мақола эълон қилди. Қуйида ушбу материалнинг қисқартирилган варианти эътиборингизга ҳавола этилаяпти.**

Ўзбекистон демократия йўлидан оғишмай боришга онгли равишда қарор қилди. Бироқ шўролар давридан қолган мерос сабабли демократия тўғрисидаги умумий тушунча ва тажриба Ўзбекистон халқи учун янгиликдир. Бундан ташқари, маълум экстремистик кучлар мамлакат тараққиётини демократия йўлидан оғдириб юбориш ва диний давлат қуришга ҳаракат қилмоқда. Айрим ташқи элементлар эса ҳукуматни ўз йўриғига юргизишга интилмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти демократик жараённи муайян назорат ёхуд вазминлик билан босқичма-босқич амалга ошириш тарафдоридир. Ҳукумат демократия маданияти бир кечада пайдо бўлиб қолмайди ва ҳар хил ижтимоий-сиёсий таназзуллардан огоҳ бўлиш ҳамда сақланиш зарур, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон раҳбарияти ватан мустақиллигини сақлаб қолишни барча нарсадан юқори билиб, бу йўлда жонкуярлик қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистоннинг яқин йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлатнинг мавқеи изчиллик билан сақланиб қолади, зеро мамлакатда ғарбча бошқарув ва демократиянинг барча меъёрларини бирданига қабул қилинишини кутиш ҳақиқатдан йироқ бўлар эди.

Ўзбекистонликлар мамлакатда парламент демократиясини ривожлантириш йўлида қатъий саъй-ҳаракат қилишмоқда ва бу муайян вақт мобайнида кучли президентлик бошқарувига ҳамоҳанг бўлади. Вақт ўтиши билан консенсус орқали ҳокимиятни аниқ-равшан бўлиниши кутилаяпти.

«Ўзбекистон парламенти ёки Олий Мажлис фаолияти демократияга ўтиш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Парламент қуйи палатасини сайловчиларнинг овоз бериш йўли билан шакллантириш халқ хоҳиш-иродасининг муҳим ифодасидир. Парламент сайловлари 2004 йил 26 декабрь куни бўлиб ўтади. Сайловларгача бўлган икки ярим ой вақт мобайнида маъмурият сайловларни ўтказиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва сиёсатчилар, ОАВ вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликни сайлов амалиёти қирралари билан таништириш мақсадида бир қатор анжуманлар ўтказмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири сайлов жараёнида ОАВ роли мавзуига бағишланди. Гарчи ғарблик кўплаб қатнашчилар ОАВ ҳукуматнинг ҳар қандай кўринишдаги назоратидан ҳоли бўлишлари керак, деган ғояни илгари сурган бўлсаларда, баъзи бир экспертлар эҳтиросга берилувчан оммавий ахборот воситалари яратиши мумкин бўлган хавф ҳақида ҳам гапирдилар. Иштирокчилардан бири АҚШ ОАВда узатилган нохолис ва хато хабардан сўнг Қўшма Штатлар ва Испания ўртасида уруш очилишига бир баҳя қолганини эслатиб ўтди. Ўзбекистон томонидан кўплаб вакиллар мамлакатда матбуот учун қатъий кодекс жорий қилиниши зарурлигини таъкидлашди».

---

*Хориж матбуоти*

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА

**Япониянинг энг оммабоп телекомпанияси — NHKнинг BS-1 канали орқали намойиш этилган махсус кўрсатув Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар мавзусига бағишланди. Унда парламент сайловларига тайёргарлик жараёни, ушбу сиёсий воқеанинг аҳамияти, сайловларда иштирок этаётган сиёсий партиялар ҳақида батафсил ҳикоя қилинди. Шунингдек, республикамизнинг жаҳон харитасида тутган геополитик мавқеи, тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризмга қарши кураш, минтақада барқарорликни таъминлаш борасидаги ўрнига юқори баҳо берилди.**

Япониянинг етакчи ахборот агентликларидан бири — «Кийодо цусин» томонидан Олий Мажлисга сайловлар мавзусида тарқатилган хабарда эса қуйидагилар қайд этилган: «Хорижлик кузатувчи ва экспертларнинг иштироки этиши мазкур сайловларнинг демократик тамойилларга асосланганидан далолат беради. Миллий парламент тарихида илк бор икки палатали парламент шаклланади. Натижада халқ вакилларининг профессионал даражадаги депутат сифатида юзага чиқиши ҳамда уларнинг янада фаолроқ бўлишлари учун янги имкониятлар туғилади».

Мисрнинг «Ас-Сиёсий» газетасида эълон қилинган «Сайловлар – муаммонинг асосий ечими» мақоласида араб жамоатчилигига мамлакатимиз парламентаризмининг бугунги кунга қадар эришган ютуқлари ва янги парламент сайловлари арафасида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар хусусида батафсил ахборот берилган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессиясида сўзлаган нутқига ҳам алоҳида тўхтаб ўтилган. Бир гуруҳ сиёсий шарҳловчилар газета саҳифаларида ушбу нутқда мамлакатимиз икки палатали янги парламентининг истиқболдаги фаолият дастури белгилаб берилганини эътироф этишган.

Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси интернет сайтида жойлаштирилган материалда ҳам мамлакатимизда амалга оширилган парламент ислоҳоти хусусида батафсил ахборот берилган. Ушбу материалда қайд қилинишича, «сайловлардан кейинги дастлабки ойларда профессионал парламент – қуйи палата фаолиятида ўзига хос динамика юзага келади. Натижада Ўзбекистонда босқичма-босқич шаклланаётган демократияга туртки бўла оладиган сиёсий партиялар ўртасида кучли рақобат муҳити юзага келади».

Нью-Йоркда нашр этиладиган «The Bukharian Times» газетасида эълон қилинган «Олий Мажлисга сайловлар арафасида» мақоласида парламент сайловларига кўрилаётган тайёргарлик жараёнига урғу берилган. Шунингдек, республика марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларга катта миқдорда халқаро кузатувчилар таклиф қилинганига эътибор қаратилиб, «Ўзбекистонга давлат ва жамоат арбоблари, МДҲ, ШҲТ, Европа ва Америка, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари журналистлар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюради», деб қайд этилган.

Қозоғистон оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам Ўзбекистонда ўтказилажак парламент сайловларига катта қизиқиш билдирилмоқда. Республиканинг етакчи ҳафталик нашрларидан бири — «Новое поколение» («Янги авлод») газетасида эълон қилинган «Ўзбек ислоҳотлари» мақоласида 26 декабрь куни Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган сайловлар «тарихий воқеа» деб баҳоланади. Газета бу галги сайлов кампанияси ошкоралик руҳида ўтаётгани билан фарқ қилаётганига эътибор қаратади ҳамда «Сайловларни Ўзбекистондаги 928 тадан ортиқ оммавий ахборот воситалари ёритади», деб хабар қилади.

Шунингдек, «Қозоғистон-1» телеканали ҳам мамлакатимиз парламентига сайловлар мавзусида таҳлилий лавҳани эфирга узатди.

---

**Римда "Ўзбекистоннинг янги икки палатали парламент тизими — демократия ва давлат барқарорлигининг кафолати" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси, Италиянинг Осиё ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари институти (Is.I.A) ҳамда Африка, Лотин Америкаси, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари билан алоқалар институти (IPALMO) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизда кечаётган икки палатали парламент тизимига ўтиш жараёни, парламент сайловларини ўтказишга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида батафсил ахборот берилди.**

# БИРИНЧИ СИНОВ

Давра суҳбатида сўзга чиққан Is.I.A ва IPALMO бош котиби Антонио Локе Ўзбекистонда ўтказилажак сайловлар кенг даражада муҳокама қилиниш ва ўрганишга лойиқлигини эътироф этди. Шунингдек, у мамлакатимиздаги демократик жараёнлар ҳамда барча соҳаларни либераллаштириш ва замонавийлаштириш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатларни тан олиш зарурлиги таъкидлади.

Италия ташқи ишлар маҳкамаси маслаҳатчи-вазири, ЕХҲТдаги доимий элчи Гвидо Ленци икки қутбли жаҳон тартиботи ўтмишда қолгач, янги мустақил давлатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар томон интилиши кузатилаётгани ва ушбу жараён ривожланган демократик давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиши зарурлигини қайд этди.

Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонасида бўлиб ўтган брифинг ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловлар мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистонда шу йилнинг декабрь ойида биринчи синовдан ўтадиган парламент ислоҳоти халқаро экспертлар томонидан жамиятни демократлаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам сифатида баҳолангани тилга олинди. Брифинг иштирокчилари янги қонунчиликка биноан давлат раҳбарининг элчиларни тайинлаш, бош прокурор ва МХХ раиси номзодларини тасдиқлаш каби баъзи бир ваколатлари парламентга берилаётганига катта қизиқиш билдиришди.

Сайловлар куни яқинлашгани сари турли давлатларнинг парламент арбоблари ҳам ушбу воқеага ўз муносабатларини билдириши фаоллашмоқда. Белгия парламенти Вакиллар палатаси ташқи ишлар бўйича комиссияси раиси Карел Пинкстен Тошкентда "Парламентаризм: хорижий давлатлар тажрибаси" халқаро анжуманида иштирок этиб, ўз ватанига қайтгач, сайловларга тайёргарлик жараёнини юқори баҳолади ҳамда бўлажак парламент билан яқиндан ҳамкорлик қилишга умид билдириб, "Мен турли мамлакатлар парламентлари аъзолари ўзаро учрашиб, фикр алмашиб туришини ва ўз мамлакатларининг халқлари манфаатлари йўлида биргаликда ишлашларини ўта муҳим деб ҳисоблайман",— деди.

Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманларнинг яна бир иштирокчиси, Польша парламенти Марказий Осиё билан алоқалар гуруҳи аъзоси К. Окшота Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги воқеаларни доимо кузатиб боришини таъкидлади. У бўлажак парламент сайловлари ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни таъкидлади: "Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимини яратиш бўйича саъй-ҳаракатлари демократик жамиятни барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган. Мен Ўзбекистон раҳбарияти фуқаролик жамияти ва барқарор сиёсий тизим барпо этишда аниқ мақсадларга эгалигига гувоҳ бўлдим".

**«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.**

*Оламда нима гап?*

### Жаҳон ва оммавий ахборот воситалари хабарларидан

● Украина Бош вазири ва президентликка асосий даъвогар Виктор Янукович мамлакат парламенти Олий Радага навбатдаги талаби билан чиқди. Янукович рақиби Виктор Юшенко ва унинг тарафдорларини АҚШ молиявий таъминлаб келган деган гумонга бормокда. Шу сабабдан Янукович махсус комиссия тузилиб, суриштирув ишлари олиб бориш кераклигини талаб этмокда.

● Португалия президенти Жорж Сампайо ҳукумат аъзоларига нисбатан истеъфо эълон қилди. Португалия давлати бошлиғининг сўзига кўра ҳукумат аъзолари ўз вазифаларини қониқарли бажармаяпти. Мамлакат Бош вазири Педро Лопиш президентнинг бундай қарорига норозилик билдириб ўз лавозимини тарк этишини маълум қилди.

● Ғазо секторида содир этилаётган ўзаро тўқнашувлар яна авж олиб кетди. Ғазо секторининг Миср билан чегарадош ҳудудидаги террорчилар томонидан барпо этилган яширин ер ости йўлида йирик портлаш вужудга келган. Хориж матбуотларидан бирининг ёзишича ана шу ер ости йўлида жойлашган Исроил ҳарбийларининг блок постини йўқ қилиш кўзда тутилган.

● Францияда Эйфел минорасини ортда қолдирувчи иншоот барпо этилди. Клермон Феррен ва Безье шаҳрини туташтирувчи Торн кўли устидан 2,46 километр узунликдаги Мийо кўприги қурилиб битказилди. Кўприкнинг баландлиги 343 метр бўлиб, Эйфел минорасини барпо этган компания лойиҳаси асосида қурилди. Кўприк қурилишига 390 миллион евро сарф этилган.

● Жорж Бушнинг катта қизи Женна Буш камбағаллар мактабида ўқитувчи бўлишга аҳд қилди. 22 ёшли Женна аллақачон ишга кириш учун ариза бериб қўйган. АҚШ Президентининг қизи бўла туриб бундай соҳани нима учун танлаётганини сўрашганда, у «Мурувват кўрсатишда мавқенинг аҳамияти йўқ» дея жавоб берди.

● Яман фуқароси Муҳаммад Алансий АҚШдаги Оқ уй ёнида ўзини ёқиб юбормоқчи бўлди. 52 ёшли бу киши Федерал қидирув бюросига маълумотлар етказиб бериш билан шуғулланарди, асосан террорчи гуруҳларни маблағ билан таъминлаётганлар ҳақидаги ахборотлар билан ушбу муассасани таъминлаб турарди. Жонига қасд қилишнинг боиси эса унинг ўз Ватанига бориш, оғир хаста рафиқаси холидан хабар олиш имкониятидан маҳрумлиги бўлди.

● CBS телекомпанияси ўз продюсерларидан бирини ишдан ҳайдади. Сабаби бу одам Ёсир Арафотнинг ўлими ҳақидаги хабарни зудлик билан эълон қилиш учун «CSI: NY» сериали намойишини бир муддат тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатма берган. Телекомпания раҳбарияти тартибга риоя қилмаган продюсернинг ушбу «жонбозлигини» кечира олмади.

*Қўшма корхоналарда*

# ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА



**Ҳамза туманида самарали фаолият юритаётган «LOK KOLOR SINTEZ» Ўзбекистон — Швейцария — Нидерландия қўшма корхонаси ички бозоримиз учун сифатли, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган жамоалардан саналади.**

Қўшма корхона жамоаси яқинда 2 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Улар аккрилюкс бўёқлари бўлиб, теннис кортларини, йўллар, ҳовузларнинг ичини, қишлоқ хўжалик машиналари, музлаткичларни бўяшда ишлатилади. Эътиборли томони, бу каби бўёқлар лок-бўёқ маҳсулотлари орасида энг замонавийси ҳисобланади ҳамда кўплаб афзалликлари билан харидоргир бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.






Мазкур корхона 1996 йилда фаолият бошлаган бўлиб, ҳозирги кунда 500 нафарга яқин ғайрат-шижоатли ишчи-хизматчиларнинг меҳнати эвазига ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош лок-бўёқлар юртимизда тайёрланаётган шу каби маҳсулотларнинг 30 фоиздан кўпроғини ташкил этмокда.

Импорт ўрнини босувчи 1000 хил турдаги ушбу маҳсулотлар фақатгина сифатли хом ашёдан тайёрланади. Улар Германия, Чехия, Словакия давлатларидан олинади ҳамда цехлардаги дастгоҳ, ускуналарда технологияга қатъий амал қилингани ҳолда ишлаб чиқарилади.

Корхонадаги тажриба лабораториясида етук мутахассис ходимлар меҳнати, изланишлари самараси ўлароқ яратилган илмий ишланмалар, янгиликлар ишлаб чиқаришга татбиқ қилингач импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга айланади.

Илмий ходимлар асосан жаҳоннинг етакчи, илғор фирмалари иш тажрибаларидан ҳамда маҳаллий етук мутахассисларимизнинг шахсий илмий тадқиқотларидан самарали фойдаланишади.

Ушбу корхона аҳил жамоасининг рақобатбардош маҳсулотлари нафақат республикамизда, балки Россия ва Голландия давлатларида ҳам тажрибадан ўтказилган. Қувонарлиси, корхонанинг малакали, ўз ишининг усталари бўлган мутахассислари мижозларга соҳаларига оид барча турдаги амалий маслаҳатларни беришлари мумкин.

Жумладан «Lok Kolor Sintez»чиларга ўтган йили Франция пойтахти Париж шаҳрида анъанавий ўтказиладиган халқаро анжуманда юқори тоифадаги «Cold» — «Олтин сифат» соврини топширилди. Мазкур олтин сифат ва технология учун мукофот билан бирга, корхонага «SPI» олтин медали ҳам тантанали тарзда тақдим этилди. Бу каби ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди.

Қўшма корхона ишчи-хизматчиларининг унумли меҳнатлари туфайли ишлаб чиқарилаётган лок-бўёқ маҳсулотлари ўз буюртмачиларига эга бўлиб, «PENETON» биноларнинг фасади учун, «BINOGRUNT» ҳамда «BINOFAS» туркумидаги сифатли бўёқлар хоналар учун мўлжалланган. Жумладан, «AKVES» бўёқлари инсонларга умуман безиён, экологик тоза маҳсулот саналади ва рангларининг мўллиги ҳамда ёрқинлиги билан деворларга кўркамлик бағишлайди.

Шунингдек, «ALVER», «DEFLAM» ва «FEBOS» туркумли маҳсулотлар металларнинг коррозиясига қарши, об-ҳаво инжиқликларига чидамли қўшилмалардан иборат — улар юксак сифатли грунтовка, шпатлёвка, эмаллардир. Бундан ташқари, ёнғинга қарши ҳимояловчи модда қўлланилган лок-бўёқ маҳсулотлари саноатда ҳамда маданият масканларида самарали қўлланилмокда.

Ушбу жамоа тадбиркорлари нафақат лок-бўёқ маҳсулотлари, ишлаб чиқаради, балки корхонада ишлатишда жуда қулай бўлган сифатли қурилиш ашёлари — электродлар, турли ҳажмли михлар ҳамда халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, корхонанинг тикув цехида ҳам фаолият қизғин.

2010 йилгача тугалланиши режаланган корхонани реконструкциялаш ҳамда ускуналарни модернизациялаш ишлари ҳам давом этмокда. Жамоа аниқ мақсадлар, улкан режаларни амалга оширишга астойдил бел боғлаган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «Lok Kolor Sintez» қўшма корхонаси цехларидаги қизғин фаолиятдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Тадбирлар*

# АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Бугунги кунда аёлларнинг жамиятдаги, ижитмоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини ошириш, шу билан бирга хотин-қизларнинг муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида кўплаб амалий ишлар қилинмокда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса ушбу амалларга кенг шароит яратиб бергани шубҳасиз. «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимида ўтказилган тадбир ҳам Фармоннинг бевосита амалий ижросига бағишланди.

— Бугунги демократик янгиланиш жараёнида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг салоҳияти ва имкониятларини тўла рўёбга чиқариш давлатимиз олдида турган асосий масалалардандир, — дейди жумладан банк «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари Шоҳида Мавлонова.

«Аёл қалби» мавзуида бўлиб ўтган ушбу тадбирда аёллар салоҳиятини янада ошириш, маънавиятини юксалтириш, уларга ўз имкониятларини янада тўлароқ амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиш хусусида сўз борди.

Шуни алоҳида эътироф этиб ўтиш керакки, ушбу банк нисбатан кичик ташкилот бўлишига қарамай бу ерда кўплаб эътиборга лойиқ ишлар ҳаётга татбиқ этилмокда. Айниқса хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу йўлдаги тадбирлар ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Иқтисодиёт*

# ПУЛЬТ ОРҚАЛИ БОШҚАРИЛАДИ

**«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари изланишлари натижаси ўлароқ ёрқин нур берувчи қурилма яратилди. Иқтисодий жиҳатдан арзон ва узоққа чидайдиган бу хил техника воситасини пульт орқали бошқариш мумкин.**

Ана шу янгилик Тошкент-Ангрен темир йўлини электрлаштиришда жуда қўл келди. Гап шундаки, бу темир йўли йўналишини тўла электрлаштириш ишлари олиб борилмоқда. «Ўзтемирйўллойиҳа» институти мутахассислари тайёрлаб берган лойиҳа бўйича ишларнинг янада самарали бўлишини таъминлашда бу хил ёриткичлардан кенг фойдаланилади. Монтаж ишлари ниҳоясига етгач, Тошкент-Ангрен темир йўлида қатнаётган тепловозлар ўз ўрнини электровозларга бўшатиб беради.

**Аҳмад АББОСОВ**

# ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**Республика Саломатлик институтида инсон организмида йод ва темир моддаси танқислиги ҳамда камқонликнинг олдини олиш муаммоларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология, Эндокринология илмий текшириш институтларининг мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди.**

Анжуманда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этишга берилаётган улкан эътибор, тиббиёт соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Саломатлик институти директори О.Миртазаевнинг таъкидлашича, 2005 йилда тиббиёт соҳасига эътиборнинг янада кучайиши мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун янги имкониятлар очади. Хусусан, ҳомиладор, эмизикли аёллар, болалар ва ўсмирларда учрайдиган камқонликнинг олдини олиш ва даволаш ишларини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлади.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

*ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ*

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИНИ ТУЙИБ



**Партия етакчиси ва дейлик, ўқув юрти раҳбари ўртасида қандай боғлиқлик, шу билан бирга қандай фарқлар бор? Ушбу савол ўзидан ўзи юзага келгани йўқ. Кейинги икки-уч ой мобайнида сиёсий партиялар вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлиш кўп нарсалардаги бўшлиқларни тўлдириш имконини берди — нафақат айни пайтда асосий сайлов субъектлари дастурларидан воқиф бўлиш, балки айрим хулосалар чиқариш, хусусан, бизга партия нима беради, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштироки қандай, деган саволларга аниқ жавоб олишга ҳам муваффақ бўлдик десак адашмаймиз. Чунки, очиғини айтиш лозим, шу кунга қадар биз фақат бешта партия мавжудлигини билганмиз, холос, уларнинг сиёсий роли, сиёсий кучи хусусида эса — деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасдик...**

Лекин келинг, асосий мавзудан узоқлашмасдан, мақсадга ўтайлик. Бугунги кунда маълум даражада тажрибага эга бирон-бир соҳа мутахассиси ўз йўналиши бўйича корхона ёки муассасага раҳбарлик қилиш билан бирга партия ташкилотини ҳам бошқариши мумкинми?

Биз партияни бошқараётган раҳбарларга гап текизиш ниятимиз йўқ асло, бу борада шунчаки бироз мушоҳада юритмоқчимиз, холос. Бизнинг назаримизда, бу фаолият билан асосий ишидан ажралмаган ҳолда шуғулланаётганлар аниқ сиёсий нуқтаи назарга эга, нима мумкин, нима йўқлигини яхши тушунади, ўз қарашлари тўғри эканлигини суҳбатдошига ҳам уқтира олади.

Бизнинг қаҳрамонимиз бир йил аввал «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳисобот-сайлов конференциясида Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланганида, кўп вақт партия сардори бўла олишига кўзи етмай ишончсизлик билан юрганди. Ҳа, унинг сафдошлари бундай масъулиятни топширишган экан, демак улар уни яхши билишган ва ишонишган.

— Лекин эплай оламанми, деган савол мени узоқ қийнади, — дейди Шуҳрат Юсупов. — Ва биласизми, бироз вақт ўтгач, шубҳаларим ўз-ўзидан мени жуда кўп масалалар ва муаммоларга энг мақбул, тўғри ечим топишга ундади, шу жумладан жамоамиз билан узоқ йиллар давомида умидвор бўлиб, энди ишончимиз ҳам қолмаган баъзи масалаларнинг ҳам ҳал этилишига эришдик. Яъни демоқчиманки, партия, унинг мақсад ва вазифаларини чуқур англаш ўз ҳаёт йўлимни қайтадан танлашга, шунингдек, асосий фаолиятимга нисбатан муносабатимни янада мустаҳкамлашга, энди эса «Адолат»нинг фаоли сифатида ҳам атрофдаги ўзгаришларга нисбатан аниқ фикрга эга бўлишга кўмакдош бўлди.

Шуҳрат Ҳафизович Юсупов 1946 йилда туғилган. Ўзбекистон Давлат консерваториясини тугатган. Иш фаолиятини Ўзбекистон Давлат филармониясида созандаликдан бошлаб, кейинчалик шу ерда мусиқий раҳбар сифатида ҳам фаолият юритган. 1960 йиллар охирида консерваторияда дарс берган, 1974-1999 йилларда — Тошкент Давлат маданият институти профессори, 1999 йилдан буён Республика эстрада-цирк коллежига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Кўриб турганимиздек, Шуҳрат Юсуповнинг асосий ҳаёти санъат билан боғлиқ бўлган. Кўпчиликда бу инсонга сиёсат керакмикан, деган табиий савол туғилиши ўринли.

— Бошида ўзим ҳам шундай ўйлагандим, — дейди Шуҳрат Ҳафизович. — Бироқ сенга кичик бўлса ҳам жамоага раҳбарлик қилиш масъулияти юклатилган ва сени ҳар доим ва ҳар соатда ҳар бир жамоа аъзоси, демакки унинг оиласи, фарзанди ҳақида ҳам ўй чулғаб олар экан, сен барча нарсада барқарорликни ушлаб турищда нима қилишни ва қандай қилишни аниқ тасаввур этишинг лозим. Юқорида айтиб ўтганимдек, аввал партияга аъзо бўлганим, кейинчалик унинг беш мингга яқин сафдошларини бошқариш кўп масалаларда шубҳаларимни енгиб, партиянинг «Куч- адолатда» тамойилига бўйсунган ҳолда уларнинг ечимига ишонч билан ёндошишга туртки бўлди... Ҳақиқатан баравариға икки паллада бўлиш ва мувозанатни сақлаб туриш осон эмас — бир томондан коллеждаги ўқув-таълим ва энг муҳими — тарбиявий жараён бўлса, иккинчи томондан айни қизғин — сайлов олдидан партия ташкилотларида сиёсий кайфиятни маромида ушлаб туриш талаб этилади. Шундай бўлсада, агар инсон масъулият ҳиссини юқори қўйиб, устувор деб тан олса, вақт ҳам, агар шундай дейиш мумкин бўлса, унинг ҳисобига юради... Коллежимизда ҳамжиҳат жамоа шаклланган, бир-биримизни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Партияда ҳам худди шундай жараён, нега деганда аксарият кишилар партия ишларини ўз асосий фаолияти билан бирга юритади...

Шунинг учун бўлса керак, ҳамма нарсанинг яхши ва салбий томонларини ич-ичидан билгани боис Ш. Юсуповга ҳаётимиздаги энг долзарб масалаларни сиёсий даражага кўтариш, бугун эса уларни сайловчилар муҳокамасига қўйиш имконини берди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод Шуҳрат Юсуповнинг фикрига қараганда, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги айрим масалаларни ислоҳотларнинг бугунги жараёнига мос равишда мувофиқлаштириш борасида айрим меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақозо этилмоқда. Хусусан, унинг сайловолди дастурида педагог кадрларнинг нуфузини ошириш юзасидан тегишли тизимни барқарорлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тартибга келтириш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, ёшларни умуммиллий қадриятлар асосида тарбиялашда жамоат тузилмаларини фаоллаштириш каби масалалар алоҳида ўрин эгаллаган. Шу билан бирга номзод бу борада аниқ таклифлар ҳам ишлаб чиққан. Ҳозирда эса у сайловчилар қўллаб-қувватлашига катта ишонч боғламоқда.

## ҒАМХЎР МУРАББИЙ



**Матлюба АХУНОВА. 1955 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети амалий математика ва механика факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Андижон давлат педагогика институти кафедра ассистентлигидан бошлаган. 1991 йилда Москва шаҳридаги 321-халқаро мактаб директори ўринбосари лавозимида ишлаган. 1997 йилдан 71-мактаб директори ўринбосари, 2000 йилдан — Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бош назоратчиси, 2002 йилдан буён эса Хлебушкина номли 22-Меҳрибонлик уйи директори бўлиб ишлаб келмоқда. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 39-Қозиробод сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Матлюба Ахунова Меҳрибонлик уйига раҳбар этиб тайинланган кунданоқ биринчи навбатда ота-онасиз қолган болалар ҳаётини яхшилаш учун бор имкониятларини ишга солди. У ўзининг ҳалол, пок, принципиаллиги билан қисқа вақт мобайнида атрофдагилар ҳурматини қозонди.

М.Ахунова нафақат ишбилармон раҳбар, балки ижодкор ва ташкилотчи инсон сифатида ҳам анча кўзга кўринарли ишларни амалга оширди. У «Меҳрибонлик уйларида оилавий тарбия бериш концепцияси» муаллифидир. Ушбу услубий қўлланмада у етим болалар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби йўналишларда иш олиб борилиши юзасидан таклифлар киритган.

Матлюба Ахунованинг сайловолди дастурида ҳам асосий эътибор ёшлар тарбиясига қаратилган. Жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод қуйидаги масалаларни устувор деб билади:

— етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида қонун қабул қилиш;

— оила мустаҳкамлиги ва бола тарбиясида аёлнинг ролини ҳис қилган ҳолда аёллар ва болалар муҳофазасини таъминловчи меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш;

— ота-онаси бўлмаган иқтидорли болаларга ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилиниши хусусида меъёрий ҳужжатлар яратиш;

— Ўзбекистоннинг интеллектуал бойлиги бўлмиш ёшларнинг олий ўқув юртларини тугатганидан сўнг мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш.

М.Алимова ўзбек халқининг манфаатларига хизмат қилувчи олижаноб мақсадлар билан сайловда қатнашмоқда. Халқимизнинг фаровонлигини яхшилаш йўлида шай бўлган бу жонкуяр аёлда адолатпешалигу саховат хислатлари мужассамдир.

## ЮРАГИ КЕНГ ИНСОН



**Баҳром Маджидов ўз ҳаётини кишиларга, айниқса болажонларга оламолам завқ улашувчи цирк санъати билан чамбарчас боғлаган. Ўз меҳнат фаолиятини 19 ёшда цирк қошидаги «Отда юриш олий мактаби»да чавандозликдан бошлаган Баҳром Маджидов Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлагач, Тошкент Давлат маданият институтида иккинчи мутахассислик бўйича таҳсил олади. Кейинчалик туман ёшлар ташкилотида спорт ишлари бўйича бўлим мудири, 1979 йилдан эътиборан «Тошкент Давлат цирки» жамоаси раҳбари лавозимларида фаолият юритади. 1984 йили эса ҳали ўттизни ҳам қораламаган Б.Маждовнинг меҳнаткашлиги, бошқарувчилик салоҳияти ва ишнинг кўзини билишдек лаёқати эътиборга олиниб, унга «Тошкент Давлат цирки» директорлиги ишониб топширилади. Масъулият ҳиссини чуқур англаб етган ёш раҳбар ана шу даврдан буён Ўзбекистон миллий цирки санъатини янада ривожлантириш ва равнақ топтириш йўлида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда.**

— Циркда ишлаш учун одамнинг юраги кенг бўлиши керак, — дейди у биз билан суҳбатда. — Сен бу ерда нафақат инсонлар, балки ҳайвонларнинг ҳам кўнглини тушуна олишинг лозим. Оддий корхона ёки таълим муассасаларида ишлайдиганларнинг меҳнатини асло камситмоқчи эмасман, бироқ бизнинг ишимиз уларникига нисбатан минг чандон оғир, десам ишонинг. Аренада ўз дастурларини намойиш этувчи масхарабозлар, акробатлар, ҳайвон ўргатувчиларнинг томошабинларни хурсанд бўлиб кетишлари учун қанчалик жон куйдириб ишлашларини кўрсангиз эди... Шунингдек, фикрини забон билан тушунтириб беролмайдиган жониворларнинг дилидагини топиш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳам бизнинг асосий вазифамиздир. Зеро, кўпчилик мухлислар арена ичра парвоз қилаётган учқур отларимизни, олов ҳалқани ёриб ўтадиган шер ва йўлбарслар, рақсга тушиб, беркитилган нарсани зум ўтмай топа оладиган кучукчаларни, ҳайвон ўргатувчиларнинг буйнида солланиб ётувчи каттадан-катта илонларни кўриш учун бу ерга ташриф буюришади. Шуни чуқур англаган ҳолда меҳнат қилаётган жамоамизнинг бугунги ютуқларидан албатта мамнунман.

1992 йилда «Ўзбек Давлат цирки» Республика бирлашмаси ташкил этилгач, Б.Маджидов бирлашма бош директори ва бадиий раҳбари этиб тайинланди ва бугунга қадар ушбу мажмуага бошчилик қилиб келаётир. Унинг изланувчанлиги, замон талабларини тўғри тушуниб, ақл тарозусидан ўтказиб меҳнат қилиши, ўз касбига меҳр-муҳаббат билан ёндошиши натижасида жамоа довруғи достон бўлди, нафақат юртимиз қолаверса Ҳамдўстлик давлатлари, балки қатор чет эл мамлакатларида ҳам шуҳрат қозонди.

Б.Маджидов ҳақида сўз кетаркан, энг аввало унинг камтарлиги, софдил, жамоа аҳлига меҳрибон ва шу билан бирга талабчан, интизомли, ўз сўзига қатъий амал қилувчи раҳбар эканлигини алоҳида тилга олмай ўтолмаймиз. У қарийб ўттиз йиллик меҳнат фаолияти давомида мамлакатимизда ўтадиган барча маданий, сиёсий ва маънавий тадбирларнинг фаол иштирокчиси, ўз ишининг моҳир устаси, ажойиб тарғиботчиси сифатида халқ олқишига сазовор бўлган. Айни кунларда 44-Навоий сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган санъаткор ўз сайловчилари олдидаги масъулиятни ҳам теран англаган ҳолда, маҳаллаларга яқиндан ёрдам кўрсатиш, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари билан биргаликда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга доимий кўмаклашиш борасида дастур ишлаб чиқиш, маҳалла ёшларини, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, жамият негизи бўлмиш оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, халқнинг миллий анъаналарига таянган ҳолда ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва бошқа бир қатор ишларда ўз кучини аямай меҳнат қилишга қатъий бел боғлаган.

**Х.ШАМШИЕВА**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Ишқ либосини кийишдан ор қилиш ва муҳаббат лаззатидан бебаҳра бўлиш табиатнинг оғир жафоси ва касаллик тақозосидир.

**Кимнинг юрагида**
**муҳаббат бўлса,**
**Бузуқ наф қуйидан**
**ўзини қутқарар.**
**Ҳаётнинг қўлидан зарба**
**ер бир кун,**
**Ҳар ким муҳаббатсиз**
**умр ўтказса.**
**Саодат кимёси**
**ҳисобланур ишқ,**
**У қалбни айлагай**
**бамисоли зар.**

● Агар нону сув билан ичингни тўлдириб олсанг юрагингга билим йўл тополмайди.

● Башар Ҳофий деди: «Агар очлик бозорда сотиладиган мато бўлса, оқил киши учун ундан яхшироқ сотиб оладиган нарса йўқ!»

● Бузургмеҳр айтади:

— Ёмон хотин аввало ўғрига, сўнг эса душманга ва ҳокимга ўхшайди. Унинг ўғрига ўхшагани шунинг учунки, у эр молига хиёнат қилади, алдаб, номуносиб ишларга ишлатади, эрининг илтифот билан қилган яхшиликларини назарга илмайди ва менсимай қарайди, фақат ўзи учун наф келтирадиган нарсага интилади. Унинг душманга ўхшаши шу жиҳатданки, у душман каби эрига доимо қовоқ солади, чиройини очмайди, эрни менсимайди, доимо гина қилади, ҳар ишдан айб топиб, хафа қилади. Унинг ҳокимга ўхшаши шу вақтданки, эрни доимо ўз фармонига амал қилган ҳолда кўришни истайди, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади, уни ҳақоратлашни яхши кўради, арзимас нарса учун унга ғазабини сочади, эрнинг хафа ёки хушнудлигига парво қилмайди.

Яна айтди:

— Яхши хотинларнинг эрни иззат ва икром қилиши шундайки, улар ўз эрларининг оиладаги кирим-чиқимга рози бўладилар, етишмовчилик ва ғамлик кунларда эрига итоб қилмайдилар, кеча ва кундуз эр билан доимо муроса ва мадорада маслаҳат билан кун ўтказадилар!

● Эй ўғил, шундай кишилар билан дўст тутинки, улар ҳеч қачон сенга хиёнат қилмасинлар, бундан ташқари, оғирлик кунларида сени танҳо қолдирмасинлар. Молингга мағрур, камбағаллигингга ғамгин бўлма! Доно киши шундай кишики, бойликка маст бўлмайди, кулфатда хор бўлмайди.

# ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония марказида Япония ҳукумати билан навбатдаги грант-шартномалар имзоланди.**

Япония ҳукумати мамлакатимиз таълим муассасаларидаги шароитини яхшилаш, тиббиётда хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш ҳамда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини ошириш мақсадида тадбиқ этилаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ажратган навбатдаги грантларнинг умумий миқдори 317 минг АҚШ долларидан зиёддир.

Мазкур маблағ Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги ўттизинчи, Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги иккинчи, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 5-ўрта мактаблар, Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институти клиникаси, Фарғона туманидаги «Башорат» аёллар ижтимоий адаптация маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги «Илғор» маҳалласига берилди.

Грант-шартномаларни имзолашда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

**Акмал НАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**



Китоб — бу офтоб дейдилар бувижоним.

*«01»*

# ГАЗ МАНБАЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

**Газдан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлиш кераклигини баъзи ҳамшаҳарларимиз унутиб қўяётганликлари оқибатида кўнгилсизликлар содир бўлмоқда.**

Масалан, Собир Раҳимов тумани, З.Бобохонов кўчаси, 34-уйда газ печидан нотўғри фойдаланиш оқибатида 20 квадрат метр атрофида уй иморатлари ва том қисми ёнғиндан зарарланган; З.Бобожонова кўчаси, 41-уйда газ тармоғидан нотўғри фойдаланилиши оқибатида 30 квадрат атрофидаги хонадон том бўғоти зарарланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш осонроқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда биз аҳолига мурожаат қилиб хонадонингизда газдан ёнғин чиқмасин десангиз газ анжомларини доимо соз ҳолда сақлашингизни, ўзбошимчалик билан ҳар хил қўлбола анжомларни ихтиро қилмасдан уларнинг давлат талаблари асосида тайёрланганини ўрнатишни тавсия этамиз. Газнинг кескин кўпайиб ёки камайиб кетишининг олдини олиш мақсадида қишки мавсумда газ печларининг назоратини кучайтиришни маслаҳат берамиз. Агар хонада газ ҳидини сезсангиз электр жиҳозларини ёқишдан олдин газ анжомларини ўчириб қўйинг, зудлик билан хона деразасини, эшикларни очиб хонани шамоллатинг. Шунда ҳам газ ҳиди чиқаётган бўлса дарҳол «04» телефон рақами орқали газ идорасига мурожаат қилинг. Ёнғин чиққанини сезсангиз дарҳол «01» телефон рақами орқали ёнғин ўчирувчиларни ёрдамга чақиринг. Вақтида берилган маълумот фуқаролар ҳаётининг сақлаб қолиниши ва содир бўлган ёнғиннинг тез орада ўчирилишини унутманг, дея маслаҳат берамиз.

**Лазиз ШАРИПОВ,**
**Собир Раҳимов тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими нозири.**

**Ўтиб бораётган Меҳр ва мурувват йилида жуда кўп хайрли, мурувват йўлидаги, кўнгиллар осмон қадар кўтарилган хайр-саховатга йўғрилган юмушлар амалга оширилди. Беминнат, халқимизга хос бўлган бағрикенглик билан ногирон, кўмакка муҳтож, кекса-нуронийларга химмат кўрсатилди.**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# КЕКСАЛАР КЎНГЛИ КЎТАРИЛДИ

Хусусан Сергели тумани «Нуроний» жамғармаси фаолиятига назар ташлаган киши юқоридаги гаплар бежизга келтирилмаганига гувоҳ бўлади.

— Жамғармамиз томонидан имкон қадар ҳаётда қийналиб қолган, боқувчисини йўқотган, кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиб келинади, — дейди биз билан суҳбатда «Нуроний» жамғармаси Сергели туман бўлими раиси Баҳодир Қурбонов. — Айниқса Меҳр ва мурувват йилида эзгулик, яхшилик, биродарлик, йиқилганни суяш, эртанги кунимизга умид ва ишонч, ҳаётга муҳаббат билан боқишга ундовчи хайрия тадбирларининг кўлами янада ошди. Туманимиздаги савобталаб инсонлар, ҳимматли тадбиркорлар кўмагида яқинда 70 нафар кексатабаррук қарияларимизга чиройли байрам столини тузадик. Тадбир иштирокчиларининг бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуришларига имкон яратдик. 10 нафар фахрийлар, 10 нафар кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат байрам совғаларини топширдик. Энг эътиборлиси, 30 нафар фахрийларимиз, отахон ва онахонлар кўҳна ва тарихий Самарқанд шаҳридаги Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлиб, буюк авлодларимиз ўтган муқаддас қадамжоларни кўриб, элу юртга тинчлик, фаровонлик тилаб қайтдилар.

— Бу саёҳат ҳеч қачон ёдимиздан чиқмаса керак, — дейди 75 ёшни қаршилаган Ғайрат ота Қобилов. — Самарқандга боришни ҳамиша ният қилардим, лекин имкон тополмасдим. Мен тадбир иштирокчилари номидан ташкилотчиларга раҳмат демоқчиман. Илоҳим юртимизда ҳамиша омонлик, тинчлик, фаровонлик бўлсин. Кексалари, аёллари улуғланган юртда хотиржамлик, юксалиш бўлади деб бежизга айтилмаган. Хайр-саховатни инсоний бурч деб билган ҳимматли инсонлар сафи эса бундан ҳам кўпайсин.

**Муяссар АДИЛОВА,**
**Жаҳон тиллари университети талабаси.**

# ТАЛАБАЛАР БОЛАЛАРГА

**Тошкентдаги 106-сонли заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатига Ўзбекистон Миллий университети томонидан турли спорт анжомлари ҳадя этилди.**

Беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнглини кўтариш ҳам савоб ишлардан саналади. Айни пайтда интернатда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 350 нафар бола ўқиб даволанадилар. Уларнинг яхши билим олишлари, даволанишлари учун етарли имкониятлар яратилган. 50 нафардан ортиқ малакали ўқитувчилар ва мутахассислар ҳар бир ўқувчи билан алоҳида машғулотлар олиб боришади. Бунинг учун мактаб зарур техник воситалар билан таъминланган. Шу билан бирга мактаб-интернатда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, спорт билан шуғулланишлари учун ҳам барча шароитлар муҳайё. Бу ерда турли хил ташкилотлар корхона вакиллари бўлишиб болаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишлари яхши анъанага айланган. Бу гал Ўзбекистон Миллий унверситети вакиллари болалар ҳузурида бўлишиб, уларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари билан танишдилар. Болаларга турли спорт анжомлари ва инвентарлари ҳадя этилди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

**Ҳаммамизга яхши маълумки, якунига етаётган Меҳр ва мурувват йилида кўплаб ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатилди. Уларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида қатор хайрли ишлар амалга оширилди.**

*Тадбирлар*

# ХАСТА ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ

Куни кеча Бектемир туманида ана шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Хайрли тадбир ташкилотчилари — туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳамда Қизил Ярим Ой жамияти мутасаддилари «Астробод» маҳалла гузарида 150 нафар ногиронларни бир пиёла чойга таклиф этишди.

Тадбирни туман ҳокимининг ўринбосари Равшан Шамсиев кириш сўзи билан очар экан тобора яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан йиғилганларни табриклади. Уларга сиҳат-саломатлик, кундалик ҳаётларида ютуқлар тилади.

— Халқимиз азал-азалдан ёрдамга муҳтож инсонларнинг дардига шерик бўлиб келган, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Қундуз Сайдалиева. — Агар бугун бу азиз юртдошларимизга дастурхон ёзган бўлсак, эртага гузаримизга келиш имконига эга бўлмаган ногиронларга уйма-уй юриб моддий кўмакларимизни тақдим этамиз.

Дарҳақиқат, туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларни рағбатлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Биргина «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими томонидан жорий йилда ҳар ойда туғиш ёшида бўлган ҳомиладор аёллар тиббий амбулатория кўригидан ўтказилди. Ўн икки нафар ногирон болаларга уйда таълим олиш имконияти яратилди.

Тадбирда сўзга чиққан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими етакчиси Илҳом Алимов, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими раиси Бойбуви Маликовалар ижтимоий муҳофаза борасида режалаштирилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтишди.

Қувноқ куй-қўшиқ, дилрабо оҳанглар оғушида ўтган кеча жисман шикаста дилларга малҳам бўлганига ишонамиз.

**Ҳумоюн АЛИЕВ**

*Турфа олам*

## «ОТАЛАР ДАРСИ»

**Англиядаги обрўли мактабларда бошқа фанларга қўшимча сифатида «янги предмет — Ёш оталар дарси» ҳам ўқитила бошланди.**

Дарслар тугагач, ўқувчилар кўчада тўп тепиб ёки уйда олди-қочди ваҳима фильмларни кўриб вақт ўтказиш ўрнига, чақалоққа қараш, юпатиш, овқатлантириш «илми»ни машқ қилишади. Улар бу тажрибаларни электрон қўғирчоқ-чақалоқлар билан шуғулланиб орттиришади. Қўғирчоқлар йиғлаш, инжиқлик қилиш, ҳатто «ота»сининг кийим-кечагини «ҳўллаб» қўйиши ҳам мумкин.

Шунингдек, «ёш оталар» гўдакни овқатлантириш, чўмилтиришдек «қийин» ишларга ҳам қўлларини ўргатишади.

Умуман, бола тарбиясига ўғил болалар ўқувчилик давридан одатлантирилса, улар қурадиган оиланинг мустаҳкамлиги ортади, дейишади англиялик педагоглар. Болалар руҳшуносларининг фикрича эса, болага сўраган заҳотиёқ пул бериш ярамайди. Уйда фалон ишни бажарсанг ёки яхши баҳога ўқисанг шунда пул бераман дейиш эса энг ярамас одатдир. Боланинг пулни нимага сарфлаганини суриштириб туришдан эринманг, дейди англиялик психологлар.

Гарчи болангиз «аъло» баҳоларга ўқий олмаса, сиз бундан ўкинманг. Чунки унинг имкониятлари вақти келиб юз кўрсатса ажаб эмас. Буюк рус адиби А.Чехов бир синфда икки йилдан ўқиган. Пушкин математикадан нуқул «икки» баҳо олган. А.Эйнштейн бирор-бир фанни эплаб ўқий олмагани учун гимназиядан четлатилган. Хуллас, бола бошидан, деган гап ҳам нисбий.



Шаҳримизнинг сокин кўчалари бўйлаб.



Қишнинг ҳам ўз гашти бор.

*Саломатлик*

## ГРИПП ХАСТАЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

**Бу хасталик ҳар 2-3 йилда эпидемия ва пандемия ҳолида тарқалади. Грипп касаллигининг инсон саломатлигига етказадиган зарари жуда катта.**

Грипп вирусларининг учта асосий тури маълум. Улар А, В, С деб аталади. У ўз хусусиятларини тез ўзгартириб туради. Натижада А 1, А 2 деб аталадиган янги вируслар пайдо бўлади. Янги хусусиятли вируснинг пайдо бўлиши эса гриппнинг янгидан кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Гриппдан кейинги ҳосил бўладиган иммунитет 1,5 йилдан 4 йилгача сақланиши мумкин. Лекин бу иммунитет ушбу касаллик қўзғатувчиси вирус турига қарши қаратилган.

Грипп вируслари одамнинг нафас йўллари ҳужайраларида яшаб, уларда тез кўпаяди. Натижада вируслар қонга тушади ҳамда организмни заҳарлайди ва грипп касаллиги аломатлари кучаяди.

Вируслар бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлакнинг майда заррачалари билан ҳавога жуда кўп ажралади. Натижада соғлом одамлар бемор билан қисқа вақт алоқада бўлганда ҳам грипп касаллигини юқтириши мумкин. Грипп шунингдек, қўл билан кўришганда, бемор фойдаланган сочиқ, идиш-товоқ, ўйинчоқ ва бошқалар воситасида ҳам юқади.

Грипп билан касалланиш куз-қиш фаслида кўп учрайди. Бунга сабаб, биринчидан, грипп вирусларнинг совуққа чидамлилигидир. Иккинчидан, бу фаслларда тумов бўлиш, шамоллашнинг кўп учраб туриши ҳам сабаб бўлади.

Гриппга қарши профилактик тадбирларни амалга оширишда тиббиёт ходимларининг роли жуда катта. Шуни ҳисобга олган ҳолда, грипп кенг тарқалган бўлмасада Тошкент шаҳрининг деярли ҳамма туманларида гриппнинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилмоқда. Гриппнинг олдини олишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган тадбирлар: иш жойларининг иссиқ бўлиши, вақтида шамоллатиб турилиши, эшик ва деразалар ойналарининг ўз вақтида солиб қўйилиши таъминланмоқда. Гриппнинг олдини олиш учун жамоа муассасаларида ва одамлар кўп бўладиган жойларда тозаликка риоя қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Болалар муассасаларида хоналарни шамоллатиб туриш ва кунда бир неча марта хлорли оҳак эритмасида ҳўлланган латта билан полни тозалаб туриш мақсадга мувофиқдир. Оммавий томоша жойлари (кинотеатр, цирк ва бошқалар)да грипп эпидемияси даврида сеанслар орасидаги танаффусни узайтириш, бу вақтда зал ҳавосини янгилаш талаб қилинади.

Эпидемия даврида болалар муассасаларида, поликлиника, касалхона, савдо-сотиқ ташкилотларида ҳам санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиниши зарур. Бу муассаса ходимлари 4 қаватли докадан тайёрланган ниқоб тутиб ишлашлари зарур. Шифокорлар беморларда грипп аломатлари борлигини билган тақдирда поликлиникага бормай, уйга врач чақирилиши лозимлигини таклиф қилишларини унутмасликлари керак.

Грипп билан оғриган беморларни уйда қолдирганда уни алоҳида хонага ёткизиш, бунинг иложи бўлмаса, бемор ётган хонани чойшаб билан ажратиш жуда зарур тадбирдир.

Грипп профилактикасида вакцина қўллаш муҳим ўрин эгаллайди. Буни бажариш шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг тавсияси билан ўтказилади.

Ҳар хил кимёвий шифобахш дорилар фақат врач тавсиясига биноан қўлланилади. Ҳозирги вақтда шаҳар дорихоналарида бундай дори-дармонлар етарли.

Шахсий профилактика мақсадида гриппнинг олдини олишда организмни чиниқтириш муҳимлигини ҳам унутмаслик керак.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни ўз вақтида қўлласак гриппнинг олдини олган бўламиз.

**Тошкент шаҳар Саломатлик маркази**

*Табиат ажойиботлари*

## ТИЛИДА ЎЛЖАНИ НИШОНГА ОЛАДИ

**Сувда ва қуруқда яшовчилар, яъни амфибиялар умуртқалилар орасида биринчи бўлиб қуруқликка чиққан, шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёт тарзи турли-тумандир. Яъни уларнинг номига мос келади. Масалан, Америкада тарқалган курак оёқ қурбақанинг биологик хусусияти жуда қизиқ, у ўз тухумини тез қуриб қоладиган кўлмак сувга қўяди. Бундай тухумдан икки хил итбалиқлар чиқади. Биринчилари одатдагидек майда бўлиб, умуртқасизлар ёки ўсимлик япроқлари билан озиқланади, иккинчи хил итбалиқлар эса анчагина йирик бўлиб, туғишган ака-укалари билан озиқланиб кун кечиради.**

Бир қарашда таажжубланарли бўлиб кўринган бундай ҳодиса айни тур учун умуман олганда фойдали экан. Гап шундаки, яшаш шарити яхши бўлган йиллари биринчи гуруҳ итбалиқлар ривожланиб, тараққиёт даврини якунлайди, бинобарин уларнинг сони кўпаяди. Бордию кўлмак сувда озуқа етарли бўлмаса унда барча жониворлар қирилиб кетади, туғишган ака-укалар билан озиқланадиган иккинчи гуруҳ итбалиқлар эса омон қолади.

Маълумки, барча бақа турлари чучук сувда ҳаёт кечиради, Вьетнам бақаси эса денгиз қирғоқларида яшайди. Денгиз сувидаги тузнинг миқдори чучук сувга нисбатан бир неча баробар зиёддир. Демак, бундай бақаларнинг яшаш шароити кескин ўзгарганда ҳужайра мембраналари; ҳужайра ичига кирадиган кимёвий элементлар миқдорини идора қилиш қобилиятига эга.

Ҳайвонот оламида шундай жонивор турлари борки, улар ўлжасини ушлаганида ёки ўзини душмандан ҳимоялаганда ажойиб мерганлигини намоён қилади. Масалан, бақалар ўткир кўзи ва ўта ҳаракатчан тили билан ўлжани аниқ нишонга олади. Лекин улар фақат ҳаракатдаги жониворларни кўради. Бунинг сабаби бақа кўзи ўзгача тузилганлиги билан боғлиқ.

Австралия зоологлари қурбақанинг ажойиб бир турини топишди. Қизиғи шундаки, унинг урғочиси ўз тухумини одатдагидек сувга қўймасдан, балки ўз ошқозонида сақлар ва қирқ кундан сўнг тирик итбалиқларни оғзидан чиқариб ташлар, ана шу муддат ичида қурбақа умуман озиқланмас экан.

Бразилияда бақаларнинг бир неча антиқа турлари яшайди. Масалан, дарахтда ҳаёт кечирадиган бақалар фақат кўпайиш учун ерга тушади ва ботқоқ бўйича ин қуради. Уя қуришда фақат эркаги қатнашади, урғочиси эса тайёр уйга тухум қўяди. Бақаларнинг иккинчи бир тури тўғридан-тўғри дарахтнинг устида кўпаяди. Дарахт танасининг синган жойида ҳосил бўлган чуқурча сувга тўлади ва унга бақа тухум қўяди. Бақаларнинг яна бир турининг кўпайиши янада қизиқ. Улар инларини сувнинг тепасида эгилиб турган дарахт ёки бута баргларига қуради, уянинг кирадиган тешиги сув томонга қараган бўлади, сабаби тухумдан чиққан итбалиқлар тўғридан-тўғри сувга тушиши керак.

Эндигина тухумдан чиққан бақа боласи итбалиқлик давридан ўтгач, жажжигина бақага айланади. Итбалиқнинг ўзига хос ажойиб хусусиятидан бири — улар очиққанида ўзининг думини еб қўяди, чунки ёғ заҳираси унинг думида тўпланади. Оқ қон таначалари ана шу думдаги ёғ заррачаларини ташиб кетади ва улар бақанинг янги аъзоларининг шаклланишида ишлатилади. Ана шундай йўл билан табиат ҳаётнинг ноқулай шароитларига қарши курашади.

Маълумки, ҳар бир организм ўз ҳужайраларига иш тартибини белгилаб беради. Масалан, итбалиқнинг орқа оёқлари ўсиб шаклланиб бўлгунча ва меъёрида ишга тушмагунча унинг олдинги оёқлари ривожланади, унинг шаклланиб бўлиши орқа оёқларининг ривожланишига сигнал ҳисобланади. Хўш, тирик таннинг у ёки бу аъзосининг биринчи бўлиб пайдо бўлиши нимага боғлиқ, бошқача айтганда қайси органни биринчи бўлиб шакллантириш кераклигини организм қандай билади? Маълум бўлишича организмнинг илк бор ривожланишида қайси бир орган ўта муҳим аҳамиятга эга бўлса, у биринчи бўлиб шаклланади. Демак бақа боласининг яъни итбалиқнинг бақага айланишида орқа оёқларининг роли ўта муҳим бўлса, тритонда эса аксинча, олд оёқларининг шаклланиши катта аҳамиятга эга экан.

**Яҳё ДАВЛАТОВ,**
**биология фанлари доктори**

*Спорт*

## ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

**Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан икки йил аввал ташкил этилган Осиё чемпионлар лигаси турнирининг нуфузи йилдан йилга ортиб бормоқда.**

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу турнир мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Пахтакор» ва «Нефтчи» учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳида маросим ўтказилди. Унда Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси Кубоги баҳсларининг навбатдаги мавсумига қуръа ташланди. Ушбу жараён «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоаларининг янги рақибларини аниқлаб берди. Қуръа натижаларига кўра мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» «Д» гуруҳида Ироқнинг «Ал-Заура», Сурияниг «Ал-Жаиш», Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» жамоалари билан беллашса, «С» гуруҳидан жой олган «Нефтчи» жамоаси Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Аҳли», Қатарнинг «Ал-Садд» ҳамда Қувайтнинг «Ал-Қувайт» жамоаларига қарши кураш олиб боради.

## ШКВИРИН — «ҚИЗИЛҚУМ»ДА

**Ўзбек футболининг юлдузларидан бири, собиқ пахтакорчи, XII Осиё ўйинлари ғолиби Игорь Шквирин кейинги йилларда Москва шаҳрида истиқомат қилаётганди.**

Футбол бўйича XII Осиё ўйинларида терма жамоамиз томонидан қўлга киритилган ғалабанинг 10 йиллигига бағишлаб октябрь ойида шаҳримизда уюштирилган турнирда қатнашган Шквирин янги мавсумдан «Қизилқум» таркибида тўп суриши кутилмоқда. Унинг мақсади «Қизилқум» клуби президенти Николай Даъяков илтимосига кўра жамоага ёрдам бериш.

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бермоқда. Кейинги пайтда ҳар бир тармоқлар ходимлари ўртасида турли хил спорт мусобақалари уюштирилаётганлиги эса қувонарли ҳол.**

Куни кеча 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти шифохонасида шифокорлар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақаси шифохона касаба уюшмаси ташаббуси билан уюштирилди. Эркаклар ўртасида ташкил этилган «ақл гимнастикаси» баҳсларида 16 нафар ҳаваскор шахматчилар ғолиб бўлиш ниятида ўзаро дона суришди. Икки гуруҳда мусобақаларда иштирок этган шахматчилар орасида рақибларидан кўра маҳоратли ўйин намойиш этган Акмал Йўлдошев ва Абдували Набиев биринчи ўринни эгаллаш мақсадида финалда рўбарў келишди. Икки ўйин натижасига кўра рақибини мағлуб эта олган Акмал Йўлдошев турнир ғолиби деб эътироф этилди. Абдували Набиев ва Сафо Рашидовлар эса иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга шифохона касаба уюшмаси томонидан таъсис этилган совринлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**





*Болалар спорти*

## ЯНГИ ЙИЛГА МУНОСИБ СОВҒА

**Ўтиб бораётган «Меҳр ва мурувват йили» юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги саҳифалар очганки, ушбу йилда турли хайрли ишларга қўл урилгани ҳаммамизга яхши маълум. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида кенг кўламли ишлар қилинди. Республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимизнинг қатор туманларида ҳам спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сергели туманида ҳам болалар спортини ривожлантириш, жисмонан етук, маънан соғлом авлодни шакллантириш борасида бирмунча ишлар қилинди. Туманда баскетбол, футбол, теннис, каратэ, шахмат сингари спорт тўгараклари мунтазам равишда фаолият юритиб турибди.

Куни кеча Сергели туманида истиқомат қилувчи фуқаролар яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлишди.

Аниқроғи, туман ҳокимлиги ташаббуси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари кўмагида, Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бевосита қўллаб-қувватлаши остида туман ҳудудида янги спорт мажмуаси бунёд этилди.

Мазкур иншоотнинг болажонларга туҳфа этилиши тантанали тарзда ўтказилди.

— Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда ёшларни оммавий спортга жалб этиш, уларни ҳар томонлама камолга етказиш ишлари самарали йўлга қўйилганлиги қувонарли ҳолдир, — деди жумладан тадбир очилишида сўзга чиққан Сергели тумани ҳокими Муталлиб Абдуллаев. — Ишонамизки, янги спорт мажмуасининг фаолият бошлаши туманимиз, шаҳримиз спорти шарафини ҳимоя қиладиган эпчил, жасур, мард спортчиларнинг етишиб чиқишига ўз ҳиссасини қўшади. Қолаверса, бу бизнинг Янги йилга совғамиз ҳамдир.

Тадбирда ёш спортчилар, мамлакат ва жаҳон миқёсидаги спорт мусобақаларида муносиб ўринларни қўлга киритган спорт устаҳлари ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Бундан ташқари анжуманда сўз олган Республика Халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш



жамғармаси ижрочи директори Абдулла Очилов ҳам мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун яратилаётган имкониятлар замирида комил инсонни тарбиялаш ғоялари мужассам эканлигини таъкидлади.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур спорт иншооти тез ва қисқа фурсатларда бунёд этилди. Унинг қурилишида «Тошшаҳарметроқурилиш» тресті бошлиғи Роман Ан бошчилигидаги қўли гул қурувчилар фаолият юритишди. Эндиликда туман ҳудудида истиқомат қилувчи кўплаб спортсевар болажонлар бир вақтнинг ўзида спортнинг 10 га яқин тури билан мунтазам шуғулланиб, ўз соғлиқларини тиклашлари мумкин бўлади.

507,0 миллион сўмлик сарф-харажатлар эвазига қурилган мазкур спорт иншооти ўзида барча замонавий талабларни мужассамлаштирган. Мажмуанинг катта залида мини футбол, баскетбол сингари спорт ўйинлари билан машғул бўлиш имконияти бор. «Биз мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифа деб ҳисоблаймиз», «Жисмонан бақувват ва соғлом авлодни тарбиялайлик» сингари рангли, расмли паннoларнинг спорт мажмуаси деворларидан ўрин эгаллаши ҳар бир мурғак қалбли спорт мухлиси кўнглига ширин ҳиссиётларни муҳрлайди. Тасвирларнинг бениҳоя уйғунлиги, танланган ранглар тиниқлиги спортчилар кучига куч, бардошига бардош қўшади. Бундан ташқари мажмуада ювиниш, кийиниш ва дам олиш хоналари мавжуд.

Халқимизда хайрли ишнинг кечи йўқ деган ибратли нақл бор. Шу маънода пойтахтимизнинг Бектемир, Сергели туманларида бошланган эзгу ишлар кўлами келажакда бошқа туманлар мисолида кенг қулоч ёйишига, анъана тусига киришига ишончимиз комил. Айниқса, келгуси йилнинг Юртбошимиз ташаббуслари билан Сиҳат-саломатлик йили деб номлангани бу борадаги интилишларга қанот бўлиши муқаррар.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: янги спорт мажмуасининг очилишидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲҲ Бош бошқармасининг «Автоҳамроҳ» журнали таҳририяти 25 ёшдан 35 ёшгача бўлган, ижодий салоҳият ҳамда иш тажрибасига эга, Тошкент шаҳрида доимий яшаш жойига эга йигитларни мухбирлик вазифасига танлов асосида ишга қабул қилади.

*Мурожаат учун телефон: 136-58-16. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41. 10-қават, 10-хона. «Автоҳамроҳ» журнали.*

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан 2004 йил 27 июлда хусусий тадбиркор Кодиров Хабибулла Эргашевич номига берилган 0501477 рақамли гувоҳнома ҳамда думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


Газетанинг навбатдаги сони 22-декабрда чиқади.

*Келинг бир кулишайлик*

## ТАЪЗИРИНИ ЕДИ

1886 йил январь ойида Красноярск вилоятининг бошлиғи Григорий Шишков подшоликка тил теккизилгани тўғрисида Москвага хабар қилади. Воқеа бундай бўлган экан: Давлат хизматидаги Хомяков деган киши Андрюшка Волиншик деган бир одам билан шахмат ўйнаб туриб, тахтадаги доналардан бирини қўлига олибди-да, «Мен буни фарзин деб ўйласам, мараз шоҳ экан-ку», деб подшони роса ўхшатиб сўкибди. Бундан хабар топган вилоят бошлиғи Москвадан буйруқ келгунга қадар Хомяковнинг таъзирини бериб туришларини тайинлабди.

Бир неча ойдан кейин Москвадан:

«Хомяков озод қилинсин» деган кўрсатма келибди.

## ТАКЛИФНИ ҚАРАНГ!

Бир куни йиртқичларни ўргатувчи киши реклама мақсадларини кўзлаб, гроссмейстерлар Тартаковер билан Лилиенталга дурустгина мукофот учун шернинг қафасида бир партия шахмат ўйнашларини таклиф қилди.Хайвонлар подшоҳи бош «арбитрлик» вазифасини ўташи керак эди. Гроссмейстерлар ақллилик қилиб, бундай таклифни рад этдилар. Борди-ю деб ўйлашди улар, шер шахмат кодексини ўзига мос равишда талқин қилиб қолса, унда нима бўлади?!




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2764 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-209. 1 2 3 4